Ҳўш, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида аҳолига транспорт хизмати кўрсатишининг шу кунги аҳволи қандай? Хусусан, автобус ва маршрут таксилардан фойдаланиш қандай йўлга қўйилган? Йўловчилар ҳайдовчилардан хафа эмасми? Бу соҳадаги муаммолар нималардан иборат? Биз саволларимизга аниқ жавоб топиш мақсадида бир неча кун шаҳар бўйлаб кузатув олиб бордик. Кузатувларда шу нарса маълум бўлдики, аҳвол биз ўйлагандан ҳам ташвишли. Қай бир бекатга назар ташламанг, кўзлари тўрт бўлиб автобус кутаётган йўловчиларни кўрасиз. Автобус келиши билан улар жон-ҳолатда унинг эшигига ўзларини уришади. Кутаётганларнинг кўпчилигидан бекатда турганларнинг ҳаммаси сизга. Кимдир ким билан сўқилган, бошқа бировнинг кийими йиртилган, очиги, бундайлар жуда кўп. Айрим ҳолларда ҳайдовчилар йўловчилар тирбандлигидан бекатларда тўхтамасдан ўтиб кетмоқдалар. Автобус ва маршрутларнинг манзилига "кедди-кедди"си қайд этиладиган (диспетчерская) хоналар олдига доимо жанжал, йўловчилар автобусларнинг йўқлигидан, бори ҳам қоидага риоя этмаётганидан жинг-бейрони чиқиб ҳарат қилса, диспетчер аёл (кўп жойларда шу вазифага аёллар жалб қилинган) эса уларга тинмай тушунтиришга ҳаракат қилади. Гоҳида "сан-ман"га боришади. Охири, йўловчи тўрттайдиган фойда йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, кўл сийлаб нари кетади.

Очиқ гап, биз шаҳардаги ўнлаб автосаройларни, юзлаб бекатларни, улардаги ҳангомаларни кузатиш имконига эга эмасмиз. Шу боис ҳақиқий аҳоли мушаррафига ҳавола этиш мақсадида автобуслар тўхтайдиган йирик бекатни танладик. Қуйида ана шу бекатдаги аҳвол ўз аксини тошган.

"ЁЗГАНДА НИМА ЎЗГАРАДИ..."

Шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган Амир Темур автобекати. Бу ердаги манзара ҳам шаҳардаги бошқа бекатлардагидан унчалик катта фарқ қилмайди. Кечки пайт эмасми, ишдан қайтаётган одамлар автобус кута-кута чарчашган. Тезроқ уйга етиб олиш илтижога кўзлари жовдирайди. Ўз йўналишлари бўйича қатнайдиган автобуслардан кўнгил узиб, ноилжод дуч келганига югуришади. Шу кун 192-, 58-, 52-, 7- йўналишлар бўйича қатнайдиган автобуслар бир-икки соатлаб кечикаётган экан. Йўловчилар кутаверишиб тоқати тоқ бўлгач, диспетчерлик хонасига келиб, навбатчи опахонага мурожаат қилишди. Опахон ҳам бўш келмади. "У йўқ, бу йўқ", дея йўловчиларни чалғитмоқчи бўлди. Биз ҳам кузатиб турибмиз. Ҳақиқатан ҳам юқоридаги маршрутларда қатнайдиган йўловчилар

автобус кутиб турганларига бир-бир ярим соатдан ошди. Йўловчилар ҳасратига чидамлай диспетчер опага мурожаат қилдик:

- Опажон, кечирасиз, ўзингизни таништирасиз?
- Нимага керак бўлиб қолди, мухбирмисизлар дейман.
- Ҳа, худди ўзингиз ўйлагандек, мухбирмиз.
- Мен Дилора Шойинова бўламан. Навбатчиман. Гапларинг бўлса, бемалол айтаверинглар, ҳўш?
- Нима ҳам дердик, йўловчилар билан хушмуомилада бўлсангиз ҳаққингиз кетмас-ов?
- Ҳаққим билан сизларнинг ишларингиз бўлмасин. Ҳозир ҳамма ақли бўлиб кетган. Қачон навбатчиликка келсам, икки-учта мухбир келиб бошимни қотиради. Гўёки, эса аҳвол ўзгариб кетадигандек. Ўзгариб бўпти...

Очиғи, опахоннинг бепасанд, қўпол гапларини эшитиб, у билан тортишиб ўтиришни ўзимизга оғ қўрмадик. Чунки оғзидан ади кириб, бади чиқадиганлардан бирор-бир жўяли

НИМАНИ КУТАЯПСАН... ҲОЙ, ЙЎЛОВЧИ?!

ёки Тошкент шаҳрида аҳолига транспорт хизмати кўрсатишининг аҳволи хусусида

фиқр чиқмаслигига тўла ишонч ҳосил қилгандик. Кеч соат 8.00. Одатда маршрут бўйича қатнайдиган таксилар ана шу мuddатга ишлаши керак бўлса-да, соат 7.00 дан сўнг бирортасини ҳам учратмадик. Келганлари ҳам бекатга тўхтамасдан кўча четидан хоҳлаганча йўловчини олиб, хоҳлаган йўналишига равона бўлишди. Бекатдаги йўловчилар эса кутишдан тоқатлари тоқ бўлиб, тарқалиб кетишди. Шу пайт 68-йўналишдаги автобус бекатга тўхтамасдан кўчанинг ўзига одамлардан минг сўм-кўпоидан тўплаб, жуфтаникни ростлади. Автобусларнинг "кедди-кедди"сини назорат қилувчи опахон эса бу нарсани кўрса ҳам кўрмасликка олиб, мулзам бўлиб ўтираверди.

ЙЎЛОВЧИЛАР ҲАСРАТИ

Эртаси кун ҳам мазкур бекатга келдик. Яна кечати аҳвол. Диспетчерлик хонасида навбатчи опадан ташқари икки-учта одам ўзаро фикрлашмоқда. Бироздан сўнг улардан бири чиқиб, баъзи йўналишлар бўйича автобус қатнамаётганлигининг сабабини йўловчиларга тушунтира бошлади. Нима эмиз бензин йўқ, кадрлар масаласи муаммо. Унинг жон куйдириб гапирётгани билан одамларнинг неча пуллик иши бор. Йўловчига ўз маршрути бўйича қатнайдиган автобусни тўри йўлга қўйишга бўлгани. Нима, йўловчи бензин берарми? Шароит шундай, қийинчилик мавжуд эканлигини ҳамма ҳам яхши билади-ку. Шу сабаб ҳар ким ўз вазифасини бажаргани маълум. Биз йўловчиларнинг баъзилари билан мулоқотда бўлдик.
- Мен Нариза Мўминова бўламан. Қўйлиқдан. Олой бозорига икки челақ помидор олиб келгандим. Бозорда ишим осонгина битди. Аммо, Қўйлиққа кетолмай овораман. Автобуслар ўз вақтида қатнамай қўйди. Кечикиб кетовдиги, келиши билан одамлар ур-сур қилиб чиқиб кетишади. Менга ўхшаган еши анчага бировлар қолиб кетаверади. Нима қилди, ўғлим, тирикчилик курсин, озгина деҳқончилик қилгандим. Жойида ириб-чириб кетаяпти. Вақтда узиб, эҳтижедан ортиқчасини бозорга олиб келиб сотмасак, эртанга яроқсиз бўлиб қолади. Автобуснинг аҳволи бундай...
- Тулепберген Жумабевман. Қорақалпоғистоннинг Беруний туманидан. Тошкентга акамнинг олдига келгандим. Очининг айтганда, автобус қатновидаги узоқ мuddатли узилишлар, ҳайдовчининг қўпол муомаласини кўриб ҳайрон қолдим. Ҳар қалай пойтахт...
- Наманганданман. Исми-фамилиям - Гулчехра

Пўлатова. Бу ерга ўқишга келганман. Мазкур бекат орқали қариндошимниқига қатнайман. Бир соатдан буён маршрут-такси кутаман. Бу ерда навбатга эътибор беришмаскан. Одам кўпчилигидан кетолмайман. Ҳали Тошкентнинг у-бу жойини яхши билмайман. Шу боис мен борадиган йўналишдаги таксини кутиб ўтиришга мажбурман.

- Мен - Миркомил Мираҳмедовман. Тошкентнинг ўзиданман. Бирлик тарафдан. Нафақахўрман. Ўғлимниқига меҳмондорчиликка кетовман. Эй болам, нимасини айтасиз. Биз ҳам яшаган эканмиз-да. Ҳозирги ешларга ҳам ҳайронман. На муомала бор, на қадрият. Ҳозиргина диспетчернинг енига бориб, автобус йўқлигидан нолиб гапиргандим: "Бобой, уйингизда маза қилиб етмайсизми, автобус бўлса келади", деди ва орқамдан яна нималар деб қолди. Тўғриси эшитмадим, қарилик курсин. Бўлмаса, замонамиз яхши. Тинчлик. Фақатгина одамларимиз биров қўполлашиб бораёпти. Яхши гапирса бўлади-ку, шартми мени уйда етишимни юзмага

"Биз шаҳар транспортининг бир маромда ишлаши учун ҳамма чорани кўряпмиз. Яқинда Чехиядан 50 та трамвай вагони, 100 та троллейбус, Туркиядан 500 та замонавий автобус келтирилиши кўзда тутилмоқда. Уларни пахтамиз эвазига сотиб олаялмиз.

Лекин шу соҳанинг мутасадди раҳбарлари ҳам жон куйдириши керакми-йўқми?"

(Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясидаги нутқидан.)

солиб. Хафа бўлма болам, киши қаригандан кейин ҳар гапни ўзига оларкан.

Хуллас, бекатдаги ўн-ўн беш йўловчи билан суҳбатлашиб, транспорт хизматидан мамнунлик ҳақида бирор бир ижобий фикр ололмадик. Уларнинг ҳаммаси ҳам дилдиганини тилига чиқаришди, холос. Биз ҳали ҳам битта бекатдаги йўловчилар ҳасратини эшитдик. Агар ўнлаб бекатлардаги йўловчилар билан мулоқотда бўлганимизда улар аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи ташкилотларнинг раҳбарлари, қўпол диспетчер-у, ўзбошимча ҳайдовчилар хусусида бошқа гапларни ҳам айтиш мумкин эди.

"МУАММОЛАРИМИЗ КЎП"

Тасодифни қарангки, шу кунги биз бўлган бекатга аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи ташкилотларнинг раҳбарлари, ҳатто "Тошшаҳарйўловчитранс" диспетчерлик хизмати бўйича директор муовини ва "Тошшаҳарйўловчитранс" ишлаб чиқариш бирлашмасидан вакиллар ташриф буюриб қолишди. Биз фурсатдан фойдаланиб, аввало, ўзимизни таништирдик, сўнг мақсадимизни билдирдик.

- Тўғри иш қилибсизлар, "Туркистон" рўзномаси менинг ҳам севиб ўқийдиган матбуот нашрларимдан бири. Фикрларингиз, эътирозларингиз ҳаммаси тўғри. Лекин бизларни ҳам тушунинглар, - дея сўз бошлади "Тошшаҳарйўловчитранс" ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлигининг биринчи муовини С. Асомидинов. - Сизлар талаб қилишни яхши кўрасизлар, бироқ "Қандай муаммоларинг бор?" деб сўрамайсизлар. Тошкент - катта шаҳар. Кунига 188 та йўналиш бўйича 1337 автобус, 143 та маршрут -такси аҳолига транспорт хизмати кўрсатади. Ҳозир у еки бу нарсани баҳона қилиб бўлмайди. Тўғриси айтган маълум. Автобусларнинг узлишсиз қатнаши учун барча чораларни кўраёямиз. Аммо, эҳтиёт қисмлар, шина, енигли-ойлаш материаллари танқислиги панд бермоқда. Олдинлари йилга кўплаб янги автобуслар харид қилиб, йўналишларга сафарбар қилардик. Кейинги йилларда россиялик биродарларимиз ўз химматларини биздан дариг тутмоқда. Еки эвазига катта маблаг сўрашаётир. Биз ҳам уларнинг илтифотига кўз тикиб турганимиз йўқ, иложи борича ўз имкониятларимиздан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилаёямиз. Ҳаракатларимиз зое кетмас. Лекин сизлар тилга олган диспетчерлик хизмати, ўзбошимча ҳайдовчилар ҳақида йўлаб кўришимиз лозим. Бундай ўз

"Бугунги кунда шу соҳадаги кадрларнинг қўнимсизлиги туфайли корхоналарда 580 нафар автобус ҳайдовчиси, 160 нафар трамвай ҳайдовчиси, 200 нафарга яқин троллейбус ҳайдовчиси етишмайди".

ишига совуқонлик билан қараётган ходимларимиздан воз кечишга тўғри келади. Фикрларингизни инобатга оламиз.

- Яна бир муаммо хусусида тўхталмоқ жоиз, - дея суҳбатга аралашди шаҳардаги 1-автохўжалик директорининг муовини Ф. Каримов. - Бу муаммо шундан иборатки, ҳайдовчилар кун сайин камайиб бормоқда. Бунга, аввало, ўзимиз сабабчи. Чунки, тажрибали ва кекса автобус ҳайдовчиларга ишониб, вақтида еш ҳайдовчилар тайёрлашга етарли эътибор бермадик. Бугунги кунга келиб, тажрибали ҳайдовчиларимиз кексалик таътилига чиқишмоқда, кўплари ўзлари туғилиб ўсган она-юртларига қайтишмоқда.

- Мен ҳам бу фикрга қўшилиман, - дейди "Тошшаҳарйўловчитранс" диспетчерлик хизмати бўйича директор муовини Б. Пирмухаммедов. - Биз қанчалик эълон ва ташвиқот ишлари олиб бормайлик, натижа кам. Бунинг асосий сабаби - ҳайдовчиларнинг манфаатдорлигини яхшилаш қийин бўлаётир. Умуман, олданда, бу ишга шу кун талабларидан келиб чиқиб ендешмоқ лозим.

Ҳа, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш бўйича мутасадди ташкилотлар раҳбарлари фикрларини эшитган ҳар қандай киши, уларга ҳайрхоҳ бўлиши мумкин. Чунки, ҳозирги шароит ва вазиятдан келиб чиқадиган бўлса, фикрларда оз бўлса-да жон бор. Лекин автобус йўлига жовдираб турган йўловчиларнинг ҳасратини ким тинглайди? Улар билан қўпол муомалада бўлаётган транспорт ходимлари, ўзбошимча ҳайдовчиларга ким чора кўради? Буни ҳам сира унутмаслик керак!

БИЗНИНГ ШАРҲ

Биз нимани кўрган, эшитган бўлсак, қўшмай-чатмай баён қилдик. Муаммолар кўп. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш соҳаси мутасаддиларнинг мулоҳазалари ҳам асосли. Улар ўзларни оқламоқчи эмас. Бугунги мавжуд имконият ва камчиликларни рўй-рост айтишди, холос. Бироқ, афсуски, бу гаплар йўловчилар оғирини енгил қилмайди.

Шу ўринда бир мулоҳазамизни айтмай ўтолмаймиз. Биз Шарҳ кишиларимиз. Истаймизми йўқми, андиша, оғир, босиқлик қонимизда бор. Турган гапки, йўқни бор қилиб бўлмайди. Шундай экан, очик-ойдин иш олиб бориш зарур. Автобуслар қатнови оралак вақт масофасини белгиланган 8-20 минут қилишнинг имконияти йўқ бўлса, бу оралак вақтни 30-40 минут этиб ўзгартириш керак. Фақат бундан йўловчиларни ўз навбатида оғоҳлантиришни ҳам унутмаслик лозим.

Сўнгги маълумотларга қараганда пойтахтимизда бир кунда тахминан 2 миллион 800 минг йўловчига транспорт хизмати кўрсатилаётган. Юқоридаги аҳолини кузатарканмиз, хаелимиздан бир ўй кечади: агар метро бир соат, ярим кун тўхтаб қолгудек бўлса, йўловчиларнинг ҳоли не кечади? Бу саволга шу транспорт соҳасининг раҳбарлари ҳам дафъатан жавоб тополмасалар керак.

Масалага оидилик киритиш учун бир нарсани аниқлаб олмақ лозим. Йўловчи у ким? У Сиз ва Биз. У олим, ишчи, талаба, ўқувчи бўлиши мумкин. Демак, биз тилга олган муаммолар барчамизники.

... Олдинги манзара. Автобус кутавериб юраги қон, кўзлари ниҳорон бўлган йўловчи охири бир қўл силтади-ю, манзил томон пиёда жўнади. Четдан кузатиб турганга у энди ортиқ кутишга бардош тополмагандек таассурот қолдирди. Йўқ, йўловчи барибир кутади. Эртани, ўз ишнини, вазифасини ҳалол бажариб, уйга - оиласи, бола-чақаси кучоғига ҳеч бир муаммосиз, бир пасда хузур қилиб етиб олиш мумкин бўлган аjoyиб шароит яратилишини интизорчи билан кутади.

Аҳор САМАРИДИНОВ, Сирожидин РАУПОВ, "Туркистон"нинг махсус мухбирлари.

Адолат томонда туриб ҳақиқат еқлаш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Ҳақиқатни ҳимоя қилган инсон биринчи навбатда ҳалол, иймонли бўлиши шарт. Виждони пок одамгина ҳақнинг юзига тик қарай олади. Ана шундай инсонларни юртдошларни ҳимоят қилади. Унинг енига масхалат, керак бўлса ердан сўраб келади.

Ғалаалор туман судьяси Зиедулла Шукров ўн йилки ҳуқуқий органларда хизмат қилди, аввал Бахман ва Жиззах туманларида муҳдор бўлди, 1986 йилдан ота юрти Ғалаалорога қайтди. Ишларни кўриб чиқишда одиллиги, ҳолислиги халққа ҳам, раҳбарларга ҳам маъқул бўлди шексиз, 1990 йили ҳозирги лавозимига сайланди. Яқинда Жиззах вилояти ҳокимлиги томонидан Ғалаалор туман судининг 1992-1993 йил ва бугунга қадар одил судловни амалга ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан бирга жиноятчиликка қарши кураши, жиноятчиликнинг олдини олиши, қонунчиликни мустаҳкамлаш, жамоатчилик билан ҳамкорликдаги фаолият комплекс текширилади ва умуман олиб борилаётган ишлар ижобий баҳоланди.

шундай вазиятда оддий одамми, ишчим, илгор корхонанинг раҳбарини, барибир, қонун олдига бирдай жавобгар бўлмоғи, бунга эса биз каби ҳуқуқий идоралар ходимлари таъминламоғи лозим. Мен шу раҳбарлар кўзига кўзим тушишидан кўрқсам, ортимда 100 минг аҳолиси бор туман туришти. Улар юзига қандай қараяман? Мен шу ернинг вакилиман, қилдирликни қилиб, қочиб кетаверадиган бошқа жойим йўқ. Демак, Ўзбекистон Республикаси томонидан ўзлаётган ҳўкм эртанга халқ томонидан қандай кутиб олиншини олдиндан ўйлашим шарт деб мушоҳида қиламан.

Одил судловни амалга ошириш учун, жўноий, фуқаролик, маъмурий ишлар белгиланган мuddатда ниҳоятга етказилиши учун шу ишга бeрлик шахслар иш қатнашишлари лозим. Лекин аксарият ҳолларда улар келмайдилар, бу эса суд ишларининг қўрилишини орқанга қўзиб юборади, не-не кишилар оворак-сарсон бўладилар. Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ресвати 1989 йил 21 декабрда "Судга ҳурматсизлик" тўғрисида фармон чиқарган, унга кўра Маъмурий ҳуқуқбузарлик кодексининг 176 бандига қўшимчалар киритилган. Ана шу бандга таяниб, биз Қўйтош фуқароси Ҳасан Солиевни бир неча марта хотини Алия Солиеванинг аризасида бивонув эдаб тақлиф этдик. У келмади. Ниҳоят биз уни судга ҳурматсизлик кўрсатгани учун 10 сутка қамдик. Фуқаро Тўғйи Ражабов ҳам шунга ўхшаш сабабларга бивонув жазога тортидди. Э. Исмоилов номли давлат ҳўжалиги автогараж мудирини Мухаммад Холматов гувоҳ сифатида бир неча бор судга

чақиртириди ва келмагани учун унга 30 минг сўм жарима солинди. Биз жойларда кўплаб ҳуқуқий давлатни қандай қурши керак, унинг асосларини нималар ташкил этади, бунда ҳар бир фуқаронинг ва мансабдор шахсларнинг ўрни қандай бўлиши керак, шу ҳақда тушуниришлар ўтказамиз. Биз чиқаретган хусусий ажирларга унга тааллуқли кишилар ишлайдиган идораларда, яшайдиган маҳалларда муҳокама қилиниши, муносабат билдирилиши керак. Аммо Богорное матбуот жамяти раиси Султон Ҳожибоев, Булоқбоши қишлоқ фуқаролар йигини раиси Баҳриддин

- Таклифларда жон бор албатта. Президентимиз И. Каримов халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг сессиясида жиноятчиликка қарши кураш борасида жуда кўйиниб гапирди... Коррупция, порахўрлик ва рeкетта нисбатан беафсақ кураш олиб бeримоғи лозим - деди. Бу сўз айнакча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимларга кўпроқ тегишли. Бизнинг вазифамиз адолат истаб келган ҳар бир фуқарога қонуний ердан кўрсатиш. Мен сизга бир мисол айтмай, хузурига тўрт бeлосини етказиб бир аёл келди. Эри камалган, қайнотаси уни тўрт неварасига қўшиб, уйдан ҳайдаган. Биз

айтадиган бўлсак, жиноятчиликка қарши кураш Президентимиз И. Каримовнинг алоҳида қўрсатмасидан сўнг кучайди. Ғалаалорода бу борда ижобий натижа бўлдими? - 1992 йили ҳам, 1993 йили ҳам 26 тадан ўғирлик ишни кўриб чиқишимиз тўғри келди. Илгарилари ўғирлик учун онг оғир жазо беш йил эди. Биз тузатишган қонунга кўра фуқаро Абдувахоб Назаровни 7 йилга озоликдан маҳрум қилдик. Чўчки у уйини қўриқлашни тошириб кетган экан, қўншининг телевизорни ўғирлаб чиқиб, пуллаган. Афсуски, ўғирликлар камайяпти. Ҳалиям мол йўқотишлар содир этиляпти. Негадир аксарият ўғирликка кўнгли мойиллар ҳукуматимизнинг бу борда махсус тадбир ишлаб чиққанини, шунга кўра ўғрига шафқат йўқлигини тунушиб етмайшлар. Аҳлоқ тузатиш ишига жўнатилганлар, жарима жазоси олганлар ва шартли равишда озоликдан маҳрум қилинганлар сон ҳам оз бўлса-да бор. Бу, бир томондан бизнинг жиноятчиликка қарши курашини кучайтиришимизни кўрсатса, иккинчи томондан жиноятлар сони кескин камаймаётганини таъкидлайди. Бироқ бу тўман ҳокимлиги, ички ишлар бўлими, прокуратура ва қишлоқ кенгашлари билан барча тадбирларни амалга ошираёямиз. Баъзилар ўғирликларни иқтисодий қийинчиликлар билан боғлашга ҳаракат қилади. Аслида бу фикрлар нотўғри. Ишлаган инсон яхши яшайди.

Президент Фармонлари қандай бажарилмоқда? АДОЛАТНИНГ УМРИ БОҚИЙ

Убайдуллаев, Қўйтош ишчилар таъминоти бўлими бошлиғи Раимқул Тугалов ва яна бир нечта давлат ҳўжаликларининг раҳбарлари белгиланган мuddатда хусусий ажирга жавоб йўлашни ўзларига эп билмадилар, бир сўз билан айтганда судга ҳурматсизлик кўрсатдилар ва 30 минг сўмдан жарима тўладилар. - Шу билан юзим еруг бўлди, деб ҳисоблайсизми? - Албатта. Туман аҳли менинг қимлигини билди, мен катталарга эмас, фақат қонунга хизмат қилишимни тушуниб етди, деб ўйлайман. - Бизда: эскича, бозорларга, жамоат жойларига очик судловлар тикланса, ҳўкм қилинган шахс, агар лозим топилган бўлса, халқнинг кўз ўнгига жазоланса, халқ ижроси ўз кўзи билан кўрса, дейшади. Шу тақдир тақдирлар борасида сизнинг фикрингиз?

- Тўғри. Сессияда Республика А д л я в а з и р и А. Мардиевнинг Ўзбекистон Республикаси Жази х а м д а ж и н о я т - процессуал кодекслари тўғрисидаги маърузаси тингланди. Бу икки ҳужжат биринчи ўқишдақо қабул қилинди. Бунда катта маъно бор. Амаддаги ЎзЖК 1959 йил қабул қилинган. Ҳозирга қадар унга 350 дан ортиқ қўшимча ва ўзгаришлар киритилган. Давр ўзгармоқда. Қонунлар ҳам замон талабига жавоб бeриши шарт. Мустақил давлатнинг ўз қонунлари бўлиши керак. У ўз халқининг бахтли келажаги учун хизмат қилиши лозим. Демократик давлат ўз фуқароларига тиғи яшаш ва меҳнат қилиш имконини тўла таъминлаб бeрмоғи керак. Лекин айна замонда жиноятчиликка қарши кураш, шунчаки компанияга айланб кетмаслигини лозим. Бу иш - давлат сўбeсeтнинг асосий тамойилларидан бири бўлмоғи керак, дейди Президентимиз сессиядаги нутқиди. Бунга барча ҳўқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар унутмаслигимиз шарт.

Халқимизнинг фаровон яшаш учун ҳаммамиз бир еқадан бош чиқариб меҳнат қилишимиз керак. Ана шундангина ўз мақсадимизга еришамиз.

Сўхбатдош Абулқосим МАМАРАСУЛОВ. "Туркистон" мухбири.



Сиз севган ешлар

КЎНГИЛЛАРДА ЎТЛАР ЁНСИН...

Бутунги кунда, одамлар китоб-газетани камроқ ўқиб, кўпроқ ойнаи жаҳон кўриб, ҳаво мавжларини тинглашга одатланиб қолаётган бир пайтда, шонининг шеъри ҳам машҳур бўлиши кўпроқ хонандага, хонанданинг сўз таллаш, оҳанг топиш ва ижрочилик маҳоратига боғлиқ бўлиб қолаётгандай. Лекин кўшиқнинг барҳаётиги, албатта, шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлигининг қай даражада уйғуллашганига боғлиқ.



Хонанда Рустам Гойиб айни шундай — сўз таллашда, оҳанг топишда ва ижрочиликни ўрнига қўйишда маҳорати етук санъаткор. Шунинг учун ҳам унинг кўшиқларини эл суйиб тинглайди. Магнит ленталарига эзириб сақлайди, сафарларда енида олиб юради.

СОҲИР ОВОЗ

хонанда Рустам Гойибга

Нафас тоғлар эриб битсин, Нафас ютмай тошлар қосин, Ярим тузда тонлар отсин, Соҳир овоз нола қилганда.

Кинча кўккам қулиб боқсин, Гўл-чекандин зирак тақсин, Кўнчиллар-а ўтлар эксин, Гўзаллар-а шайдо бўлганда.

Азим даре терс оксин, Сойда ойнинг акси боқсин, Кундуз осмон юлдуз эксин, Орауларни ойда қулганда.

Пирлар қўллаб йўлни очсин, Парвардигор меҳр сочсин, Барча ёмошлар қочсин, Қалби юксак жойда бўлганда.

Баҳром Гойиб.

КАМАЛАК

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ХОСИЯТЛИ ХУМОР ХОЛА

ва унинг ғаройиб хислати ҳақида

Халқимизда тепкини қайтармадан, суяк чиқишини даволайдиган табиилар, дуо кучи билан дардларни тўзатадиган кишилар ҳар доим бўлган. Илгирлик ҳам шу касблардан бири. Томоққа бирор нарса тикилиб қолса, уни (кўрсаткич) бармоғи билан олиб ташлайдиган кишини Жизаахда "илгир" деб аташди.

Жизаах туманининг "Қаҳрамон" маҳалласида элга машҳур 68 ёшли илгир Хумор хола Сайли бобога турмушга чиққанида халққа етти кун тўй берилган. "Қизил кетмон" дарида 300—400 килоча пахта терган. Меҳнати завабга тиксув машинаси олган. Саккиз ўғил, тўрт қизининг онаси. Илгирнинг айтишича, фарзандларнинг барчаси мактабни "қизил дафтар" билан тугатган, ўз кучи билан ўқишга кирган.

Дўстим Воҳид билан илгирнинг уйини сўраб-суриштириб топиб борганимизда, дарвоза олдида бир еш жувон боласини кўтариб турган экан.

— Хумор холанинг уйи шуми! — сўрадик ундан. Жувон чимирлиб: — Кимники! — деди. Афтидан, у бундай холали илк бор эшитиб турганиди.

Биз хатойимизни дарров англаб, тузатдик. — Илгирники шу уйми! — Ҳа, шундай демайсизми бошидан. Хозир номоз ўқитган эканлар...

— Боланингизга нима қилгангиз? — сўрадик Воҳид. — Томоғида нимадир қолганга ўқшайди. Кечалари ухламайди, ичи кетади.

— Илгари ҳам келгансизми? — Кичкинамини ҳам олиб келувдим. Кечирасиз, сизни томоғингизда ҳам бир нима қолдими? — Дўстим кичимиз қулиб юбордик:

— Йўр-... Биз кириб ўзимизни таништирганимизда: — Есонлаб ёзмайсизларми! — деди илгир. — Нега энди? — ...Менга бу ишни қилманг, дейшарди. Хўп дедим. Лекин ҳар соатда одам келади, йўқ, десанг ялғиниб, йилгайди. Шунинг учун-да...

Биз савол устига савол бериб холали "бозор" қилдик, у киши ҳам эринмай қишлоқчасига очилиб-сочилиб жавоб берав ва ҳар замонда биздан айрим нарсалар ҳақида сўради. Илгир ёшлти, бошидан ўтган савдолар ҳақида анча гапирди. Бўш чойнакни келинига узатганида, 7—8 яшар тугатган, ўз кучи билан ўқишга кирган.

Илгирники сизга ким ўргатган? — дейди Воҳид. — Ҳеҳ ким. Дадам катта тайиб ўтганлар, синган-чиққан ва бошқа касалларни даволашарди. У пайтлар "ёниб турган" далада ишлардик. Суви ҳовуздан олиб чардик. Дугоналарим сув ичиб, қўнчира ўқиб қоларди. Шунда вақтларда қўл солиб, томоғидан нима бўлса олиб ташлардим. Агар қўнча бир нима кириб қолса, тилим билан олардим. У пайтлар дўхтир нима, машина нима билмасдик. У илгирларидан бири (айтсам, барбир ишонмайсанлар) далада турган. Киндинги ўзим келса, уйга қўнча келганман.

— Жизаахда сиздан олдин ҳам илгирлар бўлганми? — Бор эди. Бу касм азалдан. Эллик, олтичи йил илгари истанса томонда Манжа кампир деган

бўларди. У тикилган нарсани олмасди-да, итариб юборарди. Яна хозирги Навойи қолхозининг эстагида Зайнабой тайиб бор эди. Бу кишига тўнғичимни олиб борганман: шундоқки дарвоза олдида ўтириб, қўл солувдилар. Зайнабой тайиб кейинроқ паранжи-чавон билан бозорга чиқиб, (олдларига тоғора, обтова қўйиб), ишларини давом қилганлар.

— Хола, сизимни томоғингизда қолганми? — Йўқ. Кейинчалик қола бошладим. Бур кунни овқатни кўнглим тормай, олма, яна у-бу ёт ёдим. Кечкурун мазам қочди. Қўстим келди, қўстимайман. Озири қўл солдим, олма қолган экан.

— Одамлардан эшитдим: кап-катта кишилар ҳам келар эмши. — Ҳа, ҳатто Фахриддин, Шоҳбоз деган машҳур кўшиқчилар ҳам болаларини олиб келишган. Ана йил олдин бир чўғи келганди. Булоқдан (энгашиб) сув ичганда ичига зулук ўтиб кетибди. Томоғида шундай қимирлаб турарди. Уни олганимча бечора роса қийналди. Юшқор нарса экан, сўриб-сўриб зўрга олгандим, қон аралаш қувқудим.

— Яна Тошкентда бир Азиза деган дўхтир бор. У ҳам кўп одамларни юборарди. Яқинда бир киши келди. Азиза, дейди. Яна нима болалар деб чуғурларди, томоғини кўрсатарди. Дардандан халос қилганидан кейин, кўлларини ўйиб, кўп раҳматлар айтди.

— Мана хозир яна икки киши келиб кетди. Уларга фалон пўл дедимизки. Е уларни билмадикми? — У илгирларидан бири бўлиши мумкин. Бермасам розман. Агар мен шуна-шунча десам, у даром бўлади. Тўғрироғи, боланинг энгиллиги учун оламан. Бунини одамга оғриғини тушарди.

— Қанақа оғриғини? — Меннинг (кейинчалик) томоғимда қолиш ҳам шундан-да.

Халқ табobati

Бунақа ишларнинг ўзига яраша юки бўлади.

— Есон ахволда келган одамларни ҳам эспайсизми? — Хуз бирда, бўйинни бойлаб, хириллаб қолган бир киши келганди. Машинасини ремонт қилаётганда озгина пуржина кириб кетибди. Кўрқдим. Дўхтирга боринг, дедим. Кетмади. Ноллож бир марта қўл солувдим (худо деган экан), чиқиб кетди.

— Хозир одамлар фақат сизни билишарди. Еки бошқа илгирлар йўқими? — Қўнмайиб қолган.

— Сиздан фотиха олишганими? — Бундан икки йил олдин саройлик Эрқиний деган келинчақ уч-тўрт кун келиб юрди. Бур кун келганларини мен кўран, деб руҳсат сўради. Майли, дедим. Улар барбир унашмади. Сизнинг қўнлигиз энгил, шунинг учун ҳам сизга келамиз, деб. Мен ҳеч кимни уйимга етказиб келмаيمان. Бу иш менга нимага керак, дейман ўзимга. Еганим оқдича, еганим оқдича. Лекин мажбурман, одамлар қўнмайди. Узингиз ўйланг, болани алдайсиз, хўп, катталарни қандай алдайсиз!

Хумор хола нос ишгани қўнлига олди. — Ие, нос ҳам чекасизми? — Ҳайрон бўлдик.

— Бир вақтлар... (хола бир зум ўйлаиб қолди) кечалари ухломасдик. Одамлар, нос чекин, элилади, деб маслаҳат қилди. Шу-шу, ўрганиб қолганман. Фарзандларимиздан бирироғи тасига илгирликни ўргатганимиз!

— Билишадим, ифлос иш дейишарди. Боя айтганимдай кўнчилик қўсоради. Лекин невараларидан бири ўрганса керак, деб ўйлаيمان.

Илгир билан хайрлашиб қўнча чиққанимизда дарвоза олдида бир машина келиб тўхтади. Ундан икки уч ёшлар чамасидиғи гўдагини кўтариб олган эл тушди. Ҳўдак илгирларди...

Фуркат МЕЛИ.

КЕЛГУСИ

СОНДА:

- Олтинқўлда шундай даргоҳ бор.
- Таътилингиз тағиял-тими?

Газета саҳифаланаётганда:

КУБОК УЧУН МУСОБАҚАЛАР БОШЛАНАДИ

ФИФАнинг расмий равишда

этироф этиши Ўзбекистоннинг миллий терма ва клуб командалари учун халқаро футбол майдонига йўл очиб берди. Ана шундай нуфузли мусобақалардан бири Осие чемпиналари кубоғи учун ўйинлардир. Бу ўйинлар 10 августдан 16 августгача Фарғонада ўтади. Бу зонада беш команда куч синашади.

Булар — Ўзбекистоннинг ўтган йилги чемпиони "Нефтчи" командаси, Ашгабаднинг "Копетдоғ", Бишкекнинг "Олга", Павлодарнинг "Анса", Душанбенин "Ситора" жамоаларидир.

Ўйинлар Осие футбол конфедерацияси ҳомийлигида ўтади. Бу зонада гилиб чиққан команда ўз майдонига Техрондаги ўйинларнинг гилиби билан учрашади.

Тошкентнинг "Пахтакор" командаси республика кубоғи соҳиби сифатида 25 июль кунни Осие мамлакатлари Кубок эгалари Кубоғи учун Жамбулда бўлаётган ўйинларда иштирок этади. Футболчиларимиз у ерда Уш шаҳрининг "Олоқ", Жамбул шаҳрининг "Химик", Туркманистоннинг "Мари" ва Тожикистоннинг "Регар" командалари билан учрашади.

Навбатдаги давра ўйинларида иштирок этиш учун фақат битта футбол командаси йўлланма олади.

(ЎЗА мухбири).

ФУТБОЛ БЎЙИЧА

XV Жаҳон ЧЕМПИОНАТИДА...

Бразилия терма жамоаси футбол тарихида биринчи марта тўрт карра жаҳон чемпиони бўлди.

• Қўнчаларко ҳисоб 8:7. Олдинда Америко.

• Футбол тарихида илк маротаба финал ўйини ўн бир метрлик тўплар тепиш орқали ҳал бўлди.

• Россиялик Олег Саленко бир ўйинда бешта тўп киритиб, рекорд натижасига эришди.

• Чемпионатда жами 155 та тўп киритилди. (6 таси қўнчира вақтда. 12 таси ҳал қилувчи ўн бир метрликдан).

• Энг йирик ҳисоб Россия — Камерун ўйинида қайд этилди. 6:1.

• Энг кўп голни Швеция терма жамоаси киритди. (20 та, шундан бештаси ўн бир метрликдан).

• Грецияликлар ўз дарвозаларидан ўн та жавобсиз тўп ўтказиб юборишган ҳолда чемпионатни тарқ этишди.

• Олмоний "машина"си эскирди, чоғи болгарлардан мағлубиятга учраб, нимчорқақдаке "тўхташ"га мажбур бўлди.

• Болгария терма жамоаси илк бор ярим финалда тўп суришга муассар бўлди. Қизини шундаки, бу жамоа дастлабки ўйини 0:3, сунгисини эса 0:4 ҳисобида ютказиб, тўртинчи ўрнини эгаллади.

• Италияликлар ҳам ўйинларини мағлубият билан бошлаб, финалда ҳам мағлубият билан якунлашди.

• Осие футболни намойиш этган Саудия Арабистони терма жамоаси "кашф этилди".

• Аргентиналик машҳур футболчи Диего Марадона ўз "кариера"сига нукта қўйди.

• "Автогон" муаллифи — колумбиялик химоячи Андриас

Эскобар фожеали тарзда халоқ бўлди.

• Италия футболчилари кетма-кет учта ўйинда 2:1 ҳисобда галаба қозонди.

• Энг кўп — уч марта мағлубиятга учраган жамоалар ичида тўртинчи ўрин соҳиби — болгарлар ҳам бор.

• Биргина Бразилия мағлубият аламини тоғиб кўрмади.

• Бразилиялик ўйинчилар Ромарио ва Бетоголар фарзандлик бўлишди.Бетого ўлига Маттеус деб исм қўйди.

• Италия икки бор, Швеция ва Бразилия терма жамоалари эса бир бор ўйинда ўн та ўйинчи бўлиб ўйнашларига қарамасдан галабага эришди.

• Бразилия — Швеция учрашуви икки бор қайд этилди.

• Саралаш ўйинларида бир гуруҳдан иштирок этиб гилиб чиққан Швеция ва Болгария терма жамоаларининг кичик финалда ўзаро учрашларини ҳеч ким кутмаганди.

КЕЙИНГИ

ЧЕМПИОНАТДА...

• 32 та жамоа қатнашиши кўзда тутилган.

• Ўрта Осиедан ҳам терма жамоа қатнашармикин?

• Финалнинг тақдирини ўн бир метрликкача бормаса керак.

• Францияликлар ўзларига қатъий ишонган ҳолда чемпион бўлишмоқчи.

• Камерунлик моҳир ўйинчи Роже Милла 46 ешга кирсада, чемпионатда қатнашиш иштирокида.

• XX асрнинг сунги чемпиони аниқланади.

• Тасодифий одагга кўра Жаҳон кубоғи Оврупода қолармикин?

Алижон АБДУРАҲМОНОВ, Хайрулла ҲАМИДОВ, "Туркистон" мухбирлари.

Л. И. Брежневнинг кўеви Юрий Чурбанов "Ўзбеклар иши" бўйича овоз қилган охириги маҳбус бўлди, Россия Федерацияси Президентининг афв тўғрисидаги фармони унинг тўтқунлигини 5 йилга қисқартирди. Чурбанов ўзга мажлакат, ўзга дунёга қайтмоқ. У билан "Аргументи и факти" ҳафталиги мухбири Андрей Жданкин суҳбатлашди.

— Юрий Михайлович, сиз қанча вақт қамолда бўлдингиз? — Тўрт ойи кам етти йил.

— Калониядалигингизда қимлар сизга хат эзди? — Мен илгари дўстона муносабатда бўлган ва мен ердан беришга ҳаракат қилган одамлардан жула кам хат келди. Уларни қандайдир ҳадик энгиб қўйган эди чоғи.

— Хотинингиз-чи? — Галина Леонидовна учта еки тўртта хат, кўпроқ узундан-узук телеграмма йўллар эди.

Мактулардан бирида у барча мол-мулкларини унга қолдиришим тўғрисида сўзга ариза беришимни сўраганди. Бунни у моддий кийинчилик билан изоҳлаган эди.

Хали узук ўтиришимни ўйлаб, у айтган аризани езиб бердим. Дала ховли ҳам, бошқа нарсалар ҳам унга ўтди. Махбўсларда "эркак бўлиб қолиш керак" деган тушунча бор ва мен ушбу қолдига қатъий бўйсунганимга ақл қилдим.

— Ўз хисматингиз тўғрисидаги қарорин қандай эшитдингиз? — Мен ишлайдиган қозонхонага шаҳра бошлиғи билан бирга турар прокурори кириб, Россия Президентининг қарори билан мен бундан буен жазони ўташдан овоз қилинганини айтди.

— Сиз хозир ҳам ўзингизни қандай ҳисоблайсизми? — Мен КПСС Марказий Қўмитаси Бош қотиббининг қизига уйланганим учунгина "айбдорман"

— Мен илгари дўстона муносабатда бўлган ва мен ердан беришга ҳаракат қилган одамлардан жула кам хат келди. Уларни қандайдир ҳадик энгиб қўйган эди чоғи.

— Хотинингиз-чи? — Галина Леонидовна учта еки тўртта хат, кўпроқ узундан-узук телеграмма йўллар эди.

Мактулардан бирида у барча мол-мулкларини унга қолдиришим тўғрисида сўзга ариза беришимни сўраганди. Бунни у моддий кийинчилик билан изоҳлаган эди.

Хали узук ўтиришимни ўйлаб, у айтган аризани езиб бердим. Дала ховли ҳам, бошқа нарсалар ҳам унга ўтди. Махбўсларда "эркак бўлиб қолиш керак" деган тушунча бор ва мен ушбу қолдига қатъий бўйсунганимга ақл қилдим.

— Ўз хисматингиз тўғрисидаги қарорин қандай эшитдингиз? — Мен ишлайдиган қозонхонага шаҳра бошлиғи билан бирга турар прокурори кириб, Россия Президентининг қарори билан мен бундан буен жазони ўташдан овоз қилинганини айтди.

— Сиз хозир ҳам ўзингизни қандай ҳисоблайсизми? — Мен КПСС Марказий Қўмитаси Бош қотиббининг қизига уйланганим учунгина "айбдорман"

— Мен илгари дўстона муносабатда бўлган ва мен ердан беришга ҳаракат қилган одамлардан жула кам хат келди. Уларни қандайдир ҳадик энгиб қўйган эди чоғи.

— Хотинингиз-чи? — Галина Леонидовна учта еки тўртта хат, кўпроқ узундан-узук телеграмма йўллар эди.

Мактулардан бирида у барча мол-мулкларини унга қолдиришим тўғрисида сўзга ариза беришимни сўраганди. Бунни у моддий кийинчилик билан изоҳлаган эди.

Хали узук ўтиришимни ўйлаб, у айтган аризани езиб бердим. Дала ховли ҳам, бошқа нарсалар ҳам унга ўтди. Махбўсларда "эркак бўлиб қолиш керак" деган тушунча бор ва мен ушбу қолдига қатъий бўйсунганимга ақл қилдим.

— Ўз хисматингиз тўғрисидаги қарорин қандай эшитдингиз? — Мен ишлайдиган қозонхонага шаҳра бошлиғи билан бирга турар прокурори кириб, Россия Президентининг қарори билан мен бундан буен жазони ўташдан овоз қилинганини айтди.

— Сиз хозир ҳам ўзингизни қандай ҳисоблайсизми? — Мен КПСС Марказий Қўмитаси Бош қотиббининг қизига уйланганим учунгина "айбдорман"

КАЙТА ҚУРИШ ДАВРИНИНГ ЭНГ МАШҲУР МАҲБУСИ

— Гап шундаки, биз ягона Иттифок яшаб турган-бир пайтда қамалган эдик, ундан эса хар ким ўз эгамен давлатида чиқди.

— Бошқаларнинг тақдирини қандай кечди? — КПСС Бухоро вилояти қўмитасининг собиқ биринчи қотиби Каримовга овозлиқдан қўриш насиб этмади. Олий жазони 20 йиллик қамоқ билан алмаштиришганди. Ўзбекистон

суддан ҳеч қандай билдириш хати олмаган эдим. Бир сўз билан айтганда, ҳам хотинсиз, ҳам бошпанасиз (қамалганимдан ярим йилдан сўнг мени уй рўйхатидан ўчиришган экан), ҳеч вақосиз қолиман. Уст-бошим ҳароб бўлган учун кийимларини сўрадим. У эса, ҳеч қанака нарсаларим қолмаганини, гўеки танишлар ўмариб кетишганини айтди.

Учрашувимиз ярим соатдан ошмади, мен шартта туриб жўнавордим. Бундай ҳаёт тарихи мўтабло бўлган киши билан, устига устак ўртада ҳеч қандай илтифат бўлмаган ҳолда умргузаронлик қилганидан ҳеч қандай маъно йўқ эди. Алкоголизм — жуذا жиддий хасталик ва мен ҳам уни авелик шаънига хиенатда айлашга, ехуд жазага тортишга тарафдор эмасман.

— Агар Леонид Ильичнинг кўеви бўлмаганингизда, эҳтимолки, ҳеч ким сизга тегмаган, қамоқ азобларига дучор қилинмаган, на ҳаётингиз сиғиматан бўлармики. Унга қариндош бўлганингиздан афсусланмайсизми? — Мен Леонид Ильичга эркин снесий сиймо, айниқса инсон сифатида жуذا ҳурмат бйлан қарайман. Лекин унинг шахсий ҳаётида унчалик омади қолмаган

— Агар Леонид Ильичнинг кўеви бўлмаганингизда, эҳтимолки, ҳеч ким сизга тегмаган, қамоқ азобларига дучор қилинмаган, на ҳаётингиз сиғиматан бўлармики. Унга қариндош бўлганингиздан афсусланмайсизми? — Мен Леонид Ильичга эркин снесий сиймо, айниқса инсон сифатида жуذا ҳурмат бйлан қарайман. Лекин унинг шахсий ҳаётида унчалик омади қолмаган

— Самолетдан тушибоқ, учта оқ чинчилу сотиб олиб, унинг олдида йўл олдим. Оғир саҳна бу. Маълум бўлдики, биз ажрашган эканмиз. Ваҳоланки, на ундан, на

Президенти уни буту лай оқлади. Бу хабар Каримовга етиб келиб, унга "Бўл, нарсаларингни йиғиштир" дейишганда, у дош беролмади, каптеркага етмак жон таслим қилди. Олдиний милицияликдан генералликкача бўлган йўлини босиб ўтган генерал Собиров қамоқда ақлдан озди.

— Агар сиз хозир тўсатдан Галинани учратиб қолсангиз, уни нима қилган бўлардингиз? — Сўз оҳангим учун муштрайлар мени кечирсини, у ўша Иванов ва бутун қон сўрувчи қаначалар билан бирга бориб турган аблаҳнинг ўзгинасикидир.

— Хотинингиз қандай қутиб олади? — Самолетдан тушибоқ, учта оқ чинчилу сотиб олиб, унинг олдида йўл олдим. Оғир саҳна бу. Маълум бўлдики, биз ажрашган эканмиз. Ваҳоланки, на ундан, на

— Агар Леонид Ильичнинг кўеви бўлмаганингизда, эҳтимолки, ҳеч ким сизга тегмаган, қамоқ азобларига дучор қилинмаган, на ҳаётингиз сиғиматан бўлармики. Унга қариндош бўлганингиздан афсусланмайсизми? — Мен Леонид Ильичга эркин снесий сиймо, айниқса инсон сифатида жуذا ҳурмат бйлан қарайман. Лекин унинг шахсий ҳаётида унчалик омади қолмаган

— Агар Леонид Ильичнинг кўеви бўлмаганингизда, эҳтимолки, ҳеч ким сизга тегмаган, қамоқ азобларига дучор қилинмаган, на ҳаётингиз сиғиматан бўлармики. Унга қариндош бўлганингиздан афсусланмайсизми? — Мен Леонид Ильичга эркин снесий сиймо, айниқса инсон сифатида жуذا ҳурмат бйлан қарайман. Лекин унинг шахсий ҳаётида унчалик омади қолмаган

— Агар Леонид Ильичнинг кўеви бўлмаганингизда, эҳтимолки, ҳеч ким сизга тегмаган, қамоқ азобларига дучор қилинмаган, на ҳаётингиз сиғиматан бўлармики. Унга қариндош бўлганингиздан афсусланмайсизми? — Мен Леонид Ильичга эркин снесий сиймо, айниқса инсон сифатида жуذا ҳурмат бйлан қарайман. Лекин унинг шахсий ҳаётида унчалик омади қолмаган

— Агар Леонид Ильичнинг кўеви бўлмаганингизда, эҳтимолки, ҳеч ким сизга тегмаган, қамоқ азобларига дучор қилинмаган, на ҳаётингиз сиғиматан бўлармики. Унга қариндош бўлганингиздан афсу